

Impact Factor: 4.951

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

KONSENSUS XALQARO JURNALI



VOLUME 1, ISSUE 3

2020

Bosh muharrir:
Chief Editor:

Jo'rayev Narzulla Qosimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Deputy Chief Editor:

Saidov Sanjar Shavkatovich
Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

KONSENSUS XALQARO JURNALI TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI
EDITORIAL BOARD OF THE INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

Alimardonov To'lqin Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Nurmatova Gulsayra Asanovna Siyosiy fanlar doktori, professor, Qirg'iziston Respublikasi
Anita Sengupta Siyosiy fanlar doktori, professor Hindiston Respublikasi	Qirg'izboyev Muqimjon Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
Baydarov Erkin Ulanovich Falsafa fanlari nomzodi, professor, Qozog'iston Respublikasi	Qo'chqorov Vahob Hoshimovich Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
Farmonov Rahmon Farmonovich Tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Qodirov Anvar Kaxxarovich Falsafa fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
Jo'rayev Sayfiddin Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Turayev Baxtiyor falsafa fanlari doktori, O'zbekiston Respublikasi
Jennifer Murtazashvili Siyosiy fanlar doktori, professor Amerika Qo'shma Shtatlari	Tolipov Farxod Fazilovich Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent O'zbekiston Respublikasi
Mamadazimov Abdugani Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent, Tojikiston Respublikasi	Vasiliy Nikulenko Tarix fanlari nomzodi, dotsent, Rossiya Federatsiyasi
Madayeva Shaxnoza Amanullayevna Falsafa fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Chander Shekhar (Chander Shekhar) Falsafa doktori, professor, Hindiston Respublikasi
Zamonov Zokir Turg'unovich PhD, O'zbekiston Respublikasi	Mas'ul kotib Responsible secretary: To'ychiyeva Ra'no Almatovna O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Kuchkarov Vahob IN ATTRACTING YOUNG PEOPLE TO ENTREPRENEURSHIP THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN AND FOREIGN COUNTRIES.....	4
2. Зарипова Зебинисо МАССМЕДИА В КОНТЕКСТНОМ МЕНЮ СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ.....	17
3. Лухманова Зарина НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИНДЕКС МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ: АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ.....	24
4. Байрыева Алмагул ЎЗБЕКИСТОНДА ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	35
5. Абдурахмонов Санжар ДЕМОКРАТИЯГА ЎТИШ ДАВРИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ БЎШЛИҚ МУАММОСИ.....	43
6. Хатамов Фарход ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРДА “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” КОНЦЕПЦИЯСИ.....	50
7. Jumaev Adilhakim, Mamatkulov Ravshanjon, Sultanov Alisher, Yusupbaeva Amangul BASIS OF STATE POLICY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF DEVELOPMENT OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS.....	60
8. Давронова Феруза ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИДА АЁЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ МАҚОМИ.....	68
9. Мирзахмедов Абдирашид, Мирзахмедов Хуршид, Абдуҳолиқова Насиба ЁШЛАР МАДАНИЯТИ ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА.....	83
10. Саидова Сайёра ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ НАЗАРИЯЛАРДА ДИН ОМИЛИНИНГ ТАЛҚИНИ.....	89
11. Салиева Мухаббат ДАВЛАТ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ.....	97
12. Umaraliyeva Dilfuza, Nurmatov Farkhod, Atabekov Fozil THE PROBLEM OF GENDER EQUALITY IN SPORTS: STAGES OF DEVELOPMENT OF WOMEN'S SPORTS IN UZBEKISTAN.....	106
13. Ирисметов Бахтияр К ВОПРОСУ ОБ ИСТОРИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ПАМЯТИ.....	117
14. Бердиев Бектош ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР ВА ВАЗИФАЛАР.....	122
15. Турсунмуратов Мухиддин “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ ЁШЛАР МАЎНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	130

KONSENSUS CONSENSUS

Турсунмуратов Мухиддин Абдишукирович,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
мустақил тадқиқотчиси
E-mail.: muhiddin3844@gmail.com

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-3-15>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “оммавий маданият” иборасига атрофлича таъриф берилиб, батафсил тушунтирилган. Шунингдек, бугунги кунда “оммавий маданият”нинг кенг ёйилиб бораётган бир қатор кўринишларига тўхталиб, уларнинг айнан ёшлар онги ва хулқ-атворининг шаклланишидаги ўрни ва таъсири таҳлил қилинган ва керакли хулосалар берилган. Энг асосийси, айти пайтда ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган ҳар қандай “оммавий маданият” кўринишидаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш усуллари ҳақида ҳам баён қилинган.

Калит сўзлар: Ёшлар маънавияти, китч, комикс, хеппининг, старизм, нигилизм, вандализ, субмаданият, эмо, гот, контрмаданият.

Турсунмуратов Мухиддин Абдишукирович,
Независимый соискатель Узбекского государственного
университета мировых языков
E-mail.: muhiddin3844@gmail.com

ВЛИЯНИЕ «МАССОВОЙ КУЛЬТУРЫ» НА ДУХОВНОСТЬ МОЛОДЕЖИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье приводится подробное описание и объяснение термина «популярная культура». В нем также анализируется ряд аспектов «массовой культуры», которые становятся все более распространенными сегодня, их роль и влияние на формирование умов и поведения молодых людей, и делаются необходимые выводы. Что наиболее важно, в нем также описаны способы защиты молодых людей от угроз в форме «массовой культуры», которые негативно влияют на их моральный дух.

Ключевые слова: Молодежная духовность, китч, комиксы, хеппининг, старализм, нигилизм, вандализм, субкультура, эмо, гет, контркультура.

Tursunmuratov Mukhiddin Abdishukirovich,
Independent researcher for the Uzbek State
University of World Languages
E-mail.: muhiddin3844@gmail.com

THE IMPACT OF "PUBLIC CULTURE" ON YOUTH SPIRITUALITY

ABSTRACT

This article provides a detailed description and explanation of the term "popular culture". It also analyzes a number of aspects of "popular culture" that are becoming more widespread today, their role and influence in the formation of the minds and behavior of young people, and draws the necessary conclusions. Most importantly, it also describes ways to protect young people from threats in the form of "popular culture" that negatively affect their morale.

Key words: Youth spirituality, kitsch, comics, heppening, starism, nihilism, vandalism, subculture, emo, got, counterculture.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳхандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айна ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор эта олмайди[1].

Ҳозирги кунда миллат маънавиятига хавф солаётган таҳдидлардан бири “оммавий маданият”дир. “Оммавий маданият” XX аср ўрталарида шаклланган феномен бўлиб, унга қисқароқ ва тушунарлироқ қилиб таъриф берадиган бўлсак, “оммавий маданият” бизга четдан кириб келаётган миллий ва диний қарашларимизга ёт маънавий ва ахлоқий иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси.

Айтиш лозимки, фалсафа фанида илмий билишнинг биринчи босқичи ўрганилаётган муаммонинг тушунчаси ва моҳиятини аниқлашдан иборатдир. Бу – ижтимоий билишнинг аксиома шаклидаги қоидаси ҳисобланади. Атамаларнинг маъносини аниқлаш нафақат эмпирик тадқиқотлар олиб боришда, балки илмий-амалий фаолият юритишда ҳам муайян аҳамиятга эгадир.

“Оммавий маданият”нинг қамров доирасига қирувчи ғоя, нуқтаи назар, кўрсатма, мем, имиж ва бошқа ижтимоий феноменлар тўпламига айтилади. XX аср ўрталаридан бошлаб “оммавий маданиятга” оммавий ахборот воситалари кучли таъсир ўтказа бошлади. “Оммавий маданият” кўпинча кенг аҳоли қатламига хуш келиши учун содалаштирилган ва аҳамиятсиз мавзуларга берилган, деб қаралади. Натижада “оммавий маданият” динчи ва контрмаданиятчилар томонидан юзаки, истеъмолпараст, сенсуалист ва бузуқ, деб танқид қилинади[11]. Шунингдек, “Оммавий маданият” – маданиятнинг мураккаб, ҳаммавақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли бўлиб, Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган[4].

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Ҳозирги глобаллашган даврда муайян мамлакатни забт этиш, бирор халқни бўйсиндириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бу мақсадларга эришиш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳалар, қимматбаҳо техника, минглаб аскарлар ва анча-мунча вақт ҳам керак бўлар эди. Ҳозирда эса бирор мамлакат ёки халқни бўйсиндириш, ёшлар маънавиятига таъсир ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларининг ўзи кифоя қилмоқда. Куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик эндиликда “оммавий маданият”га ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор-бир ғояга ишонтириш, онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатмоқда. Оммавий мулоқот ва ахборот воситаларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ва барча ижтимоий гуруҳлар учун етарли бўлиши натижасида шаклланган ҳамда моҳиятан барча ёшдаги аҳоли учун тушунарли бўлган маданият намуналари ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки четдан кириб келган ҳар қандай нарса жозибadorлиги, сирлироқ туюлганлиги боис ўзига кучли жалб қилади. Аслида эса бу мазмунан бир хил, шаклан бошқача нарсадир.

Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафқуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси фаол бўлишлари лозим. Афсуски, биз бу масалаларда ухлаб ўтирибмиз. Гапнинг очиғи шу: ухлаб ўтирибмиз. Душман эса ўз ишини қиляпти. Баъзи ўринларда ҳатто мақсадига ҳам эришяпти[2].

Қисқа қилиб айтганда, ҳозирги вақтда глобаллашув жараёнининг асосий муаммоларидан бирини маданиятлараро мулоқот масалалари ташкил этади. Жаҳон миқёсида рўй бераётган ва “маданий инқилоб” тусини олаётган ўзгаришларнинг натижаси ўларок, бир-бирига зид ва бир пайтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки ҳаракат кўзга ташланмоқда. Булар – кишилиқ маданиятининг ранг-баранглигини инкор этиш тарзида маданий унификациялаш (бирлаштиришга) ва унга қаршилиқ кўрсатиш асносида бошланган маданий идентификациялаш (ажралишга), аниқроғи, давлат ва халқларнинг маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга интилишдир. Шу маънода “оммавий маданият” глобаллашув жараёнининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Америкалик таниқли сиёсатчи Г.Киссенжер 1999 йил 12 октябрда Ирландиянинг Дублин шаҳридаги Тринити коллежида ўқиган маърузасида шундай деган эди: “Одатда глобаллашув деб аташадиган ҳодиса, аслини олганда, Қўшма Штатларнинг ҳукмронлик ролининг шунчаки бошқача номланишидир”[6].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Рус олими В.Иноземцов “Глобаллашув, аслини олганда, кўкларга кўтариб мақталаётган умуминсоний қадриятларга таянувчи ягона тамаддуннинг шаклланиш жараёнини эмас, балки мутлақо ўзга ҳолатни – жамиятнинг “ғарбона” моделининг экспансиясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди. Бугун глобаллашув деб аташаётган жараённи ғарблаштириш, дея аниқроқ ифодалаш мумкин”[7].

Юқоридаги фикрларда кўриниб турганидек аввал жозибали, сирли ва кўнгилочар восита сифатида вужудга келган “оммавий маданият” ёшлар маънавиятига кучли салбий таъсир кўрсатиб, уларни манипуляторлар хоҳлагандек дунёқарашини шакллантиради.

Ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган “Оммавий маданият”нинг кўринишлари қуйидагилардан иборат:

Китч – заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш.

Комикс – тагига қисқа матн ёки лўқмалар битилган беҳаё матбаа, расм маҳсулотлари.

Хеппининг – ваҳшиёна кўнгил очишлар. “Оммавий маданият” маҳсули сифатида хорижий фильмлар, компьютер ўйинларининг мамлакатга кириб келиб ёш авлод томонидан қабул қилиниши. (Аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштириладиган “кескин” томошалар. Масалан: роял, пианино ёки автомобилларга шикаст етказиш ёхуд ўт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий “кўнгил очиш”лар уюштириш).

Старизм – субъектив эхтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар ва журналистларни илоҳийлаштириш.

Нигилизм – лотинча “Nihil”, яъни “ҳеч ким”, “ҳеч нарса” сўзидан олинган. Жамиятнинг ахлоқий, маънавий норма ва устунлари, тарихий ҳамда маданий қадриятларнинг инкор этилиши, умумэтироф этилган объектив қадриятларга нисбатан мутлақо салбий ҳамда ўта танқидий муносабатда бўлиш, муайян ҳодисага нисбатан бир ёқлама, келишувни рад этган тарзда муносабат билдириш, бузғунчилик ғояларини ўзида ифодалаш.

Вандализ – маданий ва тарихий ёдгорликларни, қадриятларни ваҳшийларча вайрон қилиб, оёқ ости қилиш, йўқотиш, маданиятсизлик, жаҳолат, нодонликдир[11].

Шунингдек, “оммавий маданият” юқоридагилардан ташқари қуйидаги 2 хил кўринишларда ҳам учрайди.

1. Субмаданият – (лот. атрофида, остида ва маданият) – ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва авлодга хос бўлган, жамиятдаги ҳукмрон маданиятдан фарқланувчи маданият олами (масалан, ёшлар субмаданияти, миллий гуруҳлар, қариялар, жиноий гуруҳлар субмаданиятлари ва ҳ.к.). Субмаданият ҳукмрон маданиятдан тили, кийиниши, одатлари ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади. Турли ижтимоий табақа вакиллари фарзандлари ҳам ўзаро фарқланадилар, улар турли мактабга қатнайдилар, турли китоблар ўқишади ва ҳ.к. Ҳозирда субмаданиятнинг ўзига хос қуйидаги турлари мавжуд.

Эмо – (инг. emotional – эмоцияли) – субмаданият тури бўлиб, шу номли мусиқа йўналиши негизида унинг мухлислари томонидан яратилган ғайритабiiй маданиятдир. Унинг вакиллари ноодатий безак ва кийимлари билан ажралиб турадилар.

Гот – (готлар қадимги олмон қабилаларидан бири) – субмаданиятнинг ушбу тури ХХ асрнинг 70-йилларида пост-панк талқини остида пайдо бўлган. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари махсус имиж, гот мусиқасига қизиқиш, кийимлари асосан қора рангда, кўпроқ эркакларга хос одатларни бажарадилар[10].

2. Контрмаданият – (сохта қадриятлар, бегона таомилларни зўрлаб киритишга уриниш) қарама-қаршилик асосида ривожланадиган ва унга жавоб тариқасида юзага келадиган маданият қадриятларидир.

Шунингдек, юқоридагилардан ташқари ёшлар маънавиятига қуйидаги омиллар ҳам салбий таъсир қилади. Оиладаги носоғлом муҳит, педагогик тарбиядаги нуқсонлар, оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсири (интернетдаги бузғунчиликка, фаҳшга, зўравонликка асосланган сайтлар, ўйинлар, фильмлар, сериаллар, клиплар, рекламалар ва ҳ.к.), норасмий гуруҳларнинг таъсири, ишсизлик, боқимандалик, лоқайдлик ва ҳаётий тажрибанинг йўқлиги. Субъектив детерминантларига эса эмоционал норасолик, руҳий зўриқишга чидамсизлик, кучли безовталиқ, ўзига ишончсизлик, ўзини кераксиз ва ортиқчадек ҳис қилиш, жиззакилик, ўзини ўзи бошқара олмаслик, маънавий тубанлик, эгоизм, индивидуализм, таъсирчанлик ва ўзини кўрсатишга мойиллик қабилар киради.

“Оммавий маданият”нинг ёшлар маънавиятига таъсири хусусида рус олимаси В.Г. Федотова, “оммавий маданият” аслида “илдизсиз индивид”ларни шакллантиради, деб таъкидлайди[8]. Оммавий ахборот воситалари “илдизсиз”, заминдан маҳрум этилган индивидлар оммаси пайдо бўлади. Бу жамиятда тартиб-қоида ва қадриятларни йўқотиш (аномия) ҳолатига тушади. Яна бир рус олими С.Наумов эса аномия “индивидларни жамиятдан бегоналашувига олиб борадиган тизим, жамиятнинг норматив-функционал талаблари билан индивидларнинг реал хатти-ҳаракатлари ўртасидаги боғланишнинг бузилиши”[9], деб таърифлайди.

Ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай “оммавий маданият” кўринишидаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш усуллари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтамыз:

- таълим-тарбияни узлуксизлигини таъминлаш (оила – маҳалла – боғча – мактаб – коллеж – ОЎЮ);

- ажодларимизнинг ёшлар тарбиясидаги бой меросларидан унумли фодаланиш (оилапарварлик/миллатпарварлик/ватанпарварлик намуналари билан таништириш);

- диний-ахлоқий ва маънавий тарбияни ёшлар онгига сингдириш (яхши-ёмон, оқ-қора, ҳалол-харом, савоб-гуноҳ);

- ёшлар интеллектини глобаллашувдан илдамроқ ривожлантириш (хорижнинг жозибадор “оммавий маданият”ини камроқ тарғиб қилиш);

- ОАВдаги хорижий намойишлар билан рақобатлаша оладиган медиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш (саёз, сохта, бачкана, миллий сериалларни намойиш этмаслик, бозор муносабатини баҳона қилиб халқ артистларини маиший рекламалардаги иштирокини чеклаш); Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз[2].

- маънавий ва моддий меросимизни, ёшлар онгига чуқур сингдириш (миллий тилимиз мақомини кўтариш, қадриятларимизни эъозлаш);

Мухтасар қилиб айтганда, “оммавий маданият” одатда киборлар ёки халқ маданий кадриятларига нисбатан камроқ бадиий кадрга эга ва у оммавий истеъмолга мўлжаллаб маданий кадриятларни ишлаб чиқишни ифодалайди ҳамда у индустриал жамиятларга хосдир. “Оммавий маданият” барча одамларга қаратилган бўлиб, муттасил равишда кундалик ҳаёт учун ишлаб чиқилади ва оммавий муомала воситалари фаолиятида ёрқин намоён бўлади.

Ҳозирги дунёнинг сиёсий-мафкуравий манзараси, унда кечаётган ғоявий курашлардан кўзланган туб мақсад-манфаатларнинг асл қиёфаси, ёшларда маънавий-мафкуравий таҳдидларга, “оммавий маданият” ниқоби остидаги турли хил хатти-ҳаракатларга нисбатан доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш кўникмаларини шакллантиришни тақозо этади. “Оммавий маданият” одамларнинг иш билан эмас, ўйин билан машғул бўлишидан манфаатдор. Чунки ўйин индустрияси уларга жуда катта даромад келтиради. Шунинг учун кейинги йилларда одамни жазавага туширувчи ўйинлар кўпайиб борапти. Бу – лудомания деб ном олди. Лудус – ўйин, мания – ҳаддан ортиқ берилиш дегани. Балки “ўйинбозлик” деса ҳам бўлар.

Шу ўринда алоҳида эътибор бериш керакки, четдан биз учун мутлақо ёт, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкин. Бу фикрда “оммавий маданият”нинг энг мукамал, умуминсоний таърифи бор. Яъни “оммавий маданият” бу - бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона кадриятларимизга мутлақо ёт маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси”, бўлган мураккаб ҳодисадир.

ХУЛОСА

Ўзбек олимлари С.Отамуродов, Н.Жўраев, М.Қуронов ва бошқалар замонавий шароитда “оммавий маданият”нинг мамлакат тараққиёти учун хавfli жихатларини кенг ёритишган. Уларнинг хулосаларига кўра, янги авлод миллий кадриятлардан узоқлашган, енгил яшаш кўникмасига эга бўлган, енгилтак турмуш тарзини ташкил этаётгани билан миллий тараққиётни издан чиқаради.

Инсон – жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч эканлигини, барча кенг миқёсли ислохотларни амалга оширувчи манбалигини назарда тутсак, ёшлар дунёқарашдаги бундай салбий ғоялар миллат ва мамлакат келажагига жиддий хавф солаётганини кўришимиз мумкин.

Глобализм инсон дунёқарашига кириб бормоқда. Жумладан, “оммавий маданият” тушунчаси дунёни эгаллаб, умумпланетар моҳият касб этмоқда. Бу маънавий-ахлоқий таҳдиддан Ўзбекистон ҳам холи эмас.

Таклиф. Бир неча минг йилликлар синовидан ўтган миллий кадриятлар тарғиботи самарадорлигини ошириш, унинг таъсирини кучайтириш лозим. Ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш орқали уларнинг миллий кадриятлар ва урф-одатларни асраб авайлашга даъват этиш керак. ОАВ фаолиятини такомиллаштириш, унинг таъсирчан ва ҳозиржавоб имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш заруратга айланмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқидан (From the speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev at the IV Congress of the Youth Social Movement "Kamolot"). Тошкент шаҳри, 2017 йил 30 июнь.
- [2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан (President of the Republic of Uzbekistan Sh. From the speech of Mirziyoyev at the conference "Ensuring social stability, preserving the purity of our sacred religion - the need of the hour"). Тошкент шаҳри, 2017 йил 15 июнь.
- [3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан (President of the Republic of Uzbekistan Sh. From the speech of Mirziyoyev at a meeting with representatives of the creative intelligentsia of Uzbekistan). Тошкент шаҳри, 2017 йил 4 август.

- [4] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати (An Explanatory Dictionary of Basic Concepts of Spirituality) – Т.: 2016, – Б. 243.
- [5] “Глобаллашув” – атамасини дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олган эди (The term "globalization" was first coined by the American scientist T. Levitt in an article published in 1983 in the Harvard Business Review). Муаллиф йирик транснационал корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларнинг бирлашув жараёнини шундай деб атаган.
- [6] Киссинжер Г. “Вопросы философии” (Kissinger G. "Questions of Philosophy"), 2003, –№ 3, – С. 80.
- [7] Иноземцов В. Вестернизация как глобализация и “глобализация” как американизация (Westernization as globalization and “globalization” as Americanization) // “Вопросы философии”, 2004, – № 4, – С. 60.
- [8] Федетова М.Г. Фактор ценностных изменений на западе и в России (Factor of value changes in the West and in Russia) // Вопросы философии. – М., 2005. – № 11. –С.3.
- [9] Наумов С. Общечеловеческие проблемы глобализации (Human problems of globalization) // Глобализация: проблемы международного сотрудничества и решение общечеловеческие задач. – Саратов, 2005.
- [10] [www://toshkent_islom_universiteti/nima_uchun_Ommaviy_madaniyatni_niqob_deymiz.html](http://toshkent_islom_universiteti/nima_uchun_Ommaviy_madaniyatni_niqob_deymiz.html).
- [11] https://uz.wikipedia.org/wiki/Ommaviy_madaniyat.



ISSN 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

**KONSENSUS
XALQARO JURNALI**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONSENSUS**

№3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000